

**Юридик шахсларни биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказиш
ва брокерлик ўринларини биржанинг расмий веб-сайти орқали тақдим этиш
тартиби**

Мазкур юридик шахсларни биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказиш ва брокерлик ўринларини биржанинг расмий веб-сайти орқали тақдим этиш тартиби (кейинги ўринларда – тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 мартағи 170-сонли “Товар хом ашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш қоидалари ва биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖда (кейинги ўринларда – биржа) юридик шахсларни биржа аъзоси сифатида қабул қилиш асосий талабларини белгилайди.

1. Биржа аъзолигига қабул қилиш юридик шахсларни биржа аъзоси сифатида аккредитация қилиш йўли билан амалга оширилади.

Биржа аъзосини аккредитация қилишда мазкур юридик шахснинг рўйхатдан ўтган ҳудуди бўйича биржанинг ҳудудий филиал ёки савдо майдончасида биржа савдолари электрон тизимиша уланиш руҳсати берилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек биржа ходимлари биржа аъзоси бўлиши мумкин эмас.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги атама ва тушунчалардан фойдаланилган:

биржа аъзолари – дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда биржа битимларини тузиш ҳуқуқини белгиланган тартибда олган юридик шахслар;

трейдер – биржа савдоларида биржа аъзоси номидан иштирок этадиган ва биржа битимларини тузишга ваколатли бўлган биржа аъзосининг ходими;

биржа савдолари электрон тизими (БСЭТ) – биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этиши учун фойдаланиладиган электрон тизим;

Трейдернинг автоматлаштирилган иш жойи (ТАИЖ) – ижара шартномаси асосида биржа аъзоларига тақдим қилинадиган иш жойи.

3. Биржа аъзолигига қабул қилиш, “Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари” талабларига асосан амалга оширилади.

4. Қуйидаги ҳолатларда талабгорга биржа аъзолигига қабул қилишдан рад этилишга асос бўлади:

- талабгор томонидан мазкур Қоидаларда кўрсатилган барча зарур хужжатлар тақдим этилмаган бўлса, биржа аъзоликка қабул қилиш ҳақидаги аризани каноатлантиришни рад этади ва бу ҳақда рад қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда аккредитация электрон модули орқали талабгорни хабардор килади. Бунда, аъзоликка қабул қилиш рад этилган талабгор, рад қилиш учун сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан сўнг хужжатларни такroran топширишга ҳақли.

- Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида биржа савдоларини ўтказиш қоидалари га мувофиқ талабгорга биржа савдоларидан четлатиш тарзидаги ёки унинг трейдерларига илгари интизомий чоралар кўрилган ва бу интизомий чоралар ўз кучини йўқотмаган бўлса;

- амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибларга асосан биржада брокерлик, дилерлик ва маркет мейкерлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақиқланган бўлса.

5. Белгиланган тартибда аккредитациядан, тест синовларидан ўтган ҳамда биржа филиалидан жой олмоқчи бўлган биржа аъзоси broker.uzex.uz сайтида унга очилган шахсий кабинети орқали ўз худудидаги филиал брокерлик залида бўш ўринларни кўриб чиқиб, улардан бирини белгилайди.

6. Худудий филиал маклери ушбу ТАИЖ бўйича тушган таклифни биржа аъзосининг тўлов қилганлигини, керакли техника воситалари (компьютер ва бошқалар) тақдим этилганлигини ва биржа савдоларига рухсат бериш бўйича бошқа барча талаблар бажарилганлигини ўрганиб чиқиб қабул қиласи ёки сабабларини кўрсатган ҳолда рад этади. Рад этилган жой яна бўш ўринлар таркибига ўтади.

7. Жойни банд қилинганлиги ва банд бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотни биржа аъзоси ўзининг шахсий кабинетидан кузатиб боради.

8. Брокерлик залидаги бўш жойлар ҳақидаги маълумотлар худудий маклерлар томонидан янгилаб борилади. Биржа аъзолигига қизиқиш билдирган юридик шахслар биржанинг расмий сайтининг <https://uzex.uz/uz/pages/about-branches> манзилида филиалларнинг брокерлик заллари жойлашуви ва ундаги бўш ўринлар ҳақида маълумотни кузатиб боришлар мумкин.

9. Талабгор биржа бошқарувининг қароридан норози бўлган тақдирда асослантирилган эътиroz бўйича биржага ёки ваколатли давлат органига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу Тартиб биржанинг расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.